


Анджон тумани ҳокимлиги ҳузурдаги
тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан
ўтказиш инспекциясида 2012 йил
28. ноябр куни 0255/4003455
сон билан

«РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН»

«ELEGANT SERVIS AND»
масъулияти чекланган жамияти
таъсисчиларининг 2012 йил 16 ноябр
куни умумий йиғилиш қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

4-сонли баённома



«EVEREST ASBEST»

масъулияти чекланган жамиятининг

НИЗОМИ

(ЯНГИ ТАХРИРИ)



Анджон тумани - 2012 йил.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Андижон тумани ҳокимлиги ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2012 йил 4 апрел куни 0080 – рақам (№ 0003455 – реестр рақами) билан қайта рўйхатдан ўтказилган «ELEGANT SERVIS AND» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2012 йил 16 ноябр кунги № 4 – сонли умумий йиғилиш қарорига асосан «EVEREST ASBEST» номи масъулияти чекланган жамиятига айлантириш йўли билан (бундан кейинги матнларда «Жамият» деб юритилади) юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маҳсулотлари, иш (хизмат)ларига бўлган талабини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуналарига асосан қайта ташкил этилган.

1.2. «EVEREST ASBEST» масъулияти чекланган жамияти «ELEGANT SERVIS AND» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Жамиятнинг номи:

– Ўзбек тилида тўлиқ номи – «EVEREST ASBEST» масъулияти чекланган жамияти, қисқартирилган номи: «EVEREST ASBEST» МЧЖ.

– Рус тилида тўлиқ номи – Общество с ограниченной ответственностью «EVEREST ASBEST», қисқартирилган номи - ООО «EVEREST ASBEST».

1.4. Жамият таъсисчилари:

I. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Содиков Каримжон Раҳманжанович, 1958 йил 7 майда Андижон вилояти Андижон шаҳрида туғилган, паспорт серияси СЛ рақами 1549743, 2003 йил 18 июнда Андижон вилояти Андижон 2 – чи шаҳар Милиция бўлими томонидан берилган.

Яшаш жойи: Андижон вилояти Андижон шаҳар Қайрағоч кўча 84 – уй.

II. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Умирзаков Дилшодбек Таджибоевич, 1986 йил 18 ноябрда Андижон вилояти Андижон шаҳрида туғилган, паспорт серияси СТ рақами 3621593, 2126 йил 29 мартда Андижон вилояти Андижон 2 – чи шаҳар Милиция бўлими томонидан берилган.

Яшаш жойи: Андижон вилояти Андижон шаҳар Соҳил кўча 92 – б уй.

III. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Садикова Миनावархон, 1961 йил 23 апрелда Андижон вилояти Андижон туманида туғилган, паспорт серияси СЛ рақами 1935984, 2006 йил 26 июнда Андижон вилояти Андижон 2 – чи шаҳар Милиция бўлими томонидан берилган.

Яшаш жойи: Андижон вилояти Андижон шаҳар Ербоши кўча 38 – уй.

1.5. Жамият давлат рўйхатидан ўтиши билан юридик шахс ҳисобланади, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Низом асосида олиб боради.

1.6. Жамият мустақил баланси, банкда ҳисоб рақами, ўз номи ёзилган муҳри, штамп, товар белгиси ва бошқа реквизитларга ҳам эга бўлади.

1.7. Жамиятнинг бошланғич мулки таъсисчилар томонидан берилган бўлиб, шу мулклар асосида фойда олиш ва ўз харажатларини қоплаш мақсадида фаолият курсетади. Ўз номидан мулкий ва хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлади. Хужалик судларида даъвогар ва жавобгар бўлади.

1.8. Жамият ўз Низомида белгиланган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида юридик ҳамда жисмоний шахслар билан турли битимларини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади. Жамият бошқа юридик шахслар, филиаллар, ваколатхоналар, хужалик ҳисобидаги булинмалар очиш ҳуқуқига эга бўлиб, амалдаги қонунчилик асосида тузилган шартномалар (контрактлар) ва мажбуриятлар асосида олиб борилади.

1.9. Жамият ўз мажбуриятлари буйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунари буйича ундирилиши мумкин бўлган мулк билан жавоб беради.

Давлат, унинг идоралари ва ташкилотлари жамият мажбуриятлари буйича жавоб бермайди, ўз навбатида жамият ҳам давлат, унинг идоралари ва ташкилотлари мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

Жамият ўз таъсисчиларининг мажбуриятлари буйича жавоб бермайди, жамият таъсисчилари унинг мажбуриятлари буйича ўзи қўшган хиссасининг қиймати дбрасида жавобгар бўлади.

1.10. Жамият жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Андижон тумани Қўнжи қишлоқ фуқаролар йиғини Ахтчи саноат ҳудуди.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАКСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Жамиятнинг мақсади узининг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолияти ҳисобига даромад (фойда) олиш, унинг асосида жамиятни ривожлантириш, таъсисчи ва меҳнат жамоасининг иқтисодий – ижтимоий манфаатларини қаноатлантиришдан иборат.

2.2. Жамият ўз мақсади йўлида қуйидаги фаолиятларни амалга оширади:

2.2.1. Қурилиш материаллари гипс, оҳак, гишт, алебастр, шлакоблок ва бетон бутумлари ишлаб чиқариш, аҳоли ва корхоналарнинг қурилиш материалларига бўлган талабини қондириш;

2.2.2. Пласт ва алюминий материалларидан эшик – роллари ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, металл чиқиндиларни сотиб олиш, темир материалларини қайта ишлаш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариб сотиш (темир панжаралар, дарвозалар, казироклар ва бошқа маҳсулотлар);

2.2.3. Қурилиш – монтаж, таъмирлаш ва қангал қурилиш ишларини олиб бориш, аҳоли ва корхоналарнинг қурилиш материалларига бўлган талабини қондириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ёғочни қайта ишлаш цехлари ташкил этиш, мебел маҳсулотлари ишлаб чиқариш, электродвигательларни таъмирлаш ва сотиш;

2.2.4. Уяли алоқа компаниялари билан шартнома асосида аҳолига уяли алоқа билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш, алоқа линияларини таъмирлаш, дилерлик асосида уяли алоқа компаниялари билан шартнома асосида ҳамкорлик ишларини олиб бориш, уяли алоқа абонентларига ва барча коммунал тўловларга электрон пул ўтказиш хизмати кўрсатиш;

2.2.5. Белгиланган тартибда улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш;

2.2.6. Белгиланган тартибда экспорт – импорт операциялари, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

2.2.7. Миллий, Европа таомлари ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда корхонага қарашли умумий овқатланиш шаҳобчаларида сотиш.

2.2.8. Умумий овқатланиш корхоналари, кафе, бар, ресторан ва шу каби шаҳобчаларни ташкил этиш;

2.2.9. Мева шербатлари ва салқин ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

2.2.10. Маиший хизмат кўрсатиш (жумладан, тикувчилик, чеварчилик, тўқувчилик, сартарошхона, ҳаммом, маданий дам олиш масканлари) ташкил қилиш;

2.2.11. Ўқув қуроллари, канцелярия моллари ишлаб чиқариш, қоғоз чиқиндиларни қайта ишлаш ва сотиш;

2.2.12. Аҳолига ва корхоналарга транспорт хизмати кўрсатиш, ижарага бериш, автотранспортларни эҳтиёт қисмларга бўлган талабларини қондириш ва енгил автотранспортларни аксессуарларини ишлаб чиқариш, уларга сервис хизмати кўрсатиш, автотранспорт воситаларини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, жумладан (чорвачилик, паррақдачилик, асаларичилик, боғдорчилик), қайта ишлаш ва сотиш;

2.2.13. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, жумладан (чорвачилик, паррақдачилик, асаларичилик, боғдорчилик), қайта ишлаш ва сотиш;

2.2.14. Гўшт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаш, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

2.2.15. Аҳолини озик – овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, қандолат, макарон, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

2.2.16. Дорихоналар орқали тиббий ашёлар ва дори – дармонларнинг чакана савдосини махсус лицензияга асосан ташкил қилиш;

2.2.17. Аҳоли ҳамда корхоналарнинг автоуловларга суюлтирилган, сиқилган газ ва нефть ёқилғиси қуйиш шаҳобчалари ташкил этиш ҳамда шаҳобчалари орқали суюлтирилган ва сиқилган газ, бензин ва дизель ёқилғиси сотиш. (махсус лицензияга асосан);

2.2.18. Саноат, маданий – маиший ҳамда хўжалик моллари ишлаб чиқариш, сотиб олиш, таъмирлаш, етказиб бериш ва сотиш;

2.2.19. Маркетинг, консалтинг, дилерлик, брокерлик, воситачилик, ахборот – маслаҳат, молия, инжиниринг, лизинг, дизайнлик, бадний безак, инновация, хомийлик хизматлари кўрсатиш;

2.2.20. Компьютерларга дастурлар таъминотини амалга ошириш, ташкилий техникаларни таъмирлаш, компьютер ва нусха кўчириш хизматлари кўрсатиш, болалар учун кўнгилочар компьютер ўйинлари ташкил қилиш, ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш;

2.3. Жамият қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган бошқа фаолият турларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

III. ЖАМИЯТНИНГ НИЗОМ ЖАМҒАРМАСИ

3.1. Жамиятнинг Низом жамғармаси 166298723 (бир юз олтмиш олти миллион икки юз тўқсон саккиз минг етти юз йигирма уч) сўмдан иборат.

3.2. Низом жамғармаси жамият таъсисчиларининг мол – мулкларидан ташкил топган бўлиб, таъсисчилар ўртасида қуйидагича тақсимланган:

№	Номи, фамилия, исми ва отасининг исми	Номи	Суммаси (сўм)	Фоиз %
1	Содиқов Каримжон Раҳманжанович	Илгари шакланган Андижон вилояти «Ёр ресурслари ва Давлат кадастри» бошқармаси Андижон шаҳар бўлими томонидан 2010 йил 22 июн куни 2534 – тартиб рақам билан рўйхатга олинган Андижон шаҳар Ёрбоши кўча 16 – В уйдаги «Устахона ва оғборхона» биноси	42277310	25,4
2	Умирзакон Дишодбек Таджибоевич	Илгари шакланган Хўжалик ҳисобидаги Андижон вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати Асака тумани хизмати томонидан 2010 йил 18 июн куни 618 – тартиб рақам билан рўйхатга олинган Асака тумани Ахгачи саноат ҳудудидаги «Шифер завод бино иншоотлари»	102314589	61,5
3	Садикова Мишавархон	Илгари шакланган Андижон вилояти «Ёр ресурслари ва Давлат кадастри» бошқармаси Андижон шаҳар бўлими томонидан 2010 йил 22 июн куни 3569 – тартиб рақам билан рўйхатга олинган Андижон шаҳар Найман кўча 55 – Д уйдаги «Миллий твомлар чойхонаси»	21706824	13,1
		Жами	166298723	100

Жамият давлат руйхатидан ўтказилаётган вақтда таъсисчилар таъсис ҳужжатларида курсатилган улушнинг камида 30 фоизини киритишга мажбурдир.

Таъсисчилар улушнинг қолган қисмини жамият давлат руйхатидан уттидан сунг бир йил давомида тула киритиши мажбурийдир.

3.3 Жамият таъсисчилар йиғилиши қарори билан устав фонди қупайтирилиши ёки қамайтирилиши мумкин.

Низом фонди Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида урнатилган минимал ҳажмгача қамайтирилиши мумкин.

IV. ДАРОМАДЛАРНИ ТАКСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Солиқлар, қонунчиликда урнатилган бошқа мажбурий туловлар ва жамиятнинг уз мажбуриятлари буйича барча туловлар тулангандан сунг қолган фойда жамият тасарруфида қолади ва жамият фондларини шакллантиришга йуналтирилади.

4.2. Фондлар таркиби, ҳажми, шакллантириш ва фойдаланиш тартиби жамият таъсисчиларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

4.3. Фойданинг бир қисми таъсисчиларга дивиденд тарзида туланади. Агар йиғилиш бошқача қарор қабул қилмаган бўлса, дивидендни тулаш йил ақуплари буйича амалга оширилади.

4.4. Жамиятнинг ҳужалик фаолияти натижаларига қараб пайдо бўлиши мумкин бўлган зарарлар захира фонди ҳисобидан, агар бу фондда етарлича маблаг бўлмаса, бошқа фондлар ва жамият активлари ҳисобидан қопланади.

V. ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Жамият таъсисчилари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

– жамият ишларини бошқаришда таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш;

– жамият фаолиятдан ҳисобланган фойда (дивиденд)ни пул ёки натурал шаклда олиш;

– жамият фаолияти ҳақида ахборотни сураган кунидан бошлаб, беш кун ичида олиш, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳақидаги маълумотлар, бошқа ҳужжатларни олиш;

– уриятиланган тартибда жамият таркибидан чиқиш;

– жамият ишлаб чиқарётган маҳсулот (хизмат)ни олишда имтиёзли ҳуқуққа эга, конунчилик ва таъсис ҳужжатларида қузда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга.

5.2 Жамият таъсисчиларининг мажбуриятлари.

– жамиятнинг таъсис ҳужжатларидаги қоидаларга риоя қилиш, йигилиш ва жамиятни бошқаруви ҳамда бошқа органларининг қарорларини бажариш;

– улушларни таъсис ҳужжатларида қузда тутилган тартибда, ҳажмда ва усулларда қушиш;

– тижорат сирин булган жамият фаолияти ҳақида ахборотларни ошқор қилмаслик;

– Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва таъсис ҳужжатларида қузда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

VI. ЖАМИЯТ ТАЪСИЧЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

6.1. Жамиятнинг юқори органи таъсисчиларнинг умумий йигилиши ҳисобланади.

Жамият таъсисчилари йигилишларда қатнашиши учун ўз ваколатини ўзининг бошқа ишончли вақилига бериши мумкин.

6.2. Қуйидагилар таъсисчилар йигилишининг алоҳида ваколатига қиради:

– жамият фаолиятининг асосий йуналишларини белгилайди, унинг режалари ва уларнинг бажарилиши тугрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

– жамият низомига ўзгариш ва қушимчалар қиритади;

– директор ва тафтиш комиссиясини тайинлайди ва ишдан озод қилади, уларнинг фаолият қурсатиш тартибини тасдиқлайди;

– жамият, шу жумладан унинг филиаллари фаолиятининг йиллик натижаларини, шунингдек, ҳисоботлар ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини, даромадлари (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартибини тасдиқлайди;

– филиаллар ва ваколатхоналар очини, қайта ташкил этиш ва тугатиш, уларнинг низоми (устави)ни тасдиқлайди;

– жамият бошқаруви органлари моддий жавобгар шахсларини мулкый жавобгарликка тортиш тугрисида қарорлар қабул қилади;

– процедуралар тартиби ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлаш, жамиятнинг ташкилий тузилмасини аниқлайди;

– устав фондига ўзгартиришлар қиритади;

– жамият бошқарув органлари, унинг филиаллари ва ваколатхоналари амалдор шахслари меҳнатига ҳақ тулаш тартибини белгилайди;

– жамият фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугрисида қарорлар қабул қилади, тугатиш комиссиясини тайинлайди, тугатиш балансини тасдиқлайди;

Жамият уставига қура, йигилишнинг алоҳида ваколатига бошқа масалалар ҳам қиритилиши мумкин.

6.3. Жамият фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаш билан боғлиқ масалаларни, унинг режа ва уларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлаш, жамият уставига ва устав фондига ўзгартиришлар қиритиш буйича қарорлар таъсисчилар йигилиши томонидан қабул қилинади.

6.4. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни таъсисчилар томонидан тайинланган директор амалга оширади ва у умумий йигилишда тасдиқланади.

Директор йигилиш қарорлари бажарилишини ташкилантиради, жамият номидан ишонч қозғосиз шартномалар ва бошқа оқди-сотди битимлари тузади, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатларда жамият фаолиятига даҳлдор барча масалалар буйича жамият манфаатларини ҳимоя қилади.

6.5. Жамиятнинг ижрочи органи :

– Жамиятнинг ижрочи органини директор бўлиб у Низом қамғермасини шакллантиради ва раҳбарлик қилади.

– Директор жамият ишчиларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини яратиб беради.

– Жамиятда ҳар йили бир мартаба аудиторлик тафтиш ўтказилади.

VII. KORXONANI KAYTA TASHKIL ETISH VA TUGATIISH TARTIBI

7.1. Жамият фаолиятини тугатиш кайта ташкил этиш (кушиб юбориш, кушиб олиш, булиш, ажратиб чиқариш ва узгартириш) шаклида амалга оширилади.

Жамиятни кайта ташкил этиш пайтида унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқ ворисига ўтади.

Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибиде бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинади.

7.2. Жамият куйидаги ҳолларда:

– жамият таъсисчилари йиғилишининг қарори бўйича:

– жамият банкротликка учраган, жамиятни руйхатта олиш ҳақиқий эмас деб топилаган, фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) юритилган ёки қонунда тақиқланган ва қонунчиликда қузда тутилган бошқа ҳолларда суд қарори билан тугатилиши мумкин.

7.3. Таъсисчилар йиғилиши жамиятни тугатиш тугрисида қарор қабул қилгандан сўнг, жамиятни руйхатта олган идора билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди ҳамда жамиятни тугатиш тартиби ва муддатини белгилайди.

Тугатиш комиссияси тайинланиши билан жамият ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлар унинг ихтиёрига ўтади. Тугатиш комиссияси жамият номидан судларда иштирок этади.

Тугатиш комиссияси юридик шахсларни давлат руйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида жамиятни тугатиш унинг кредиторлари талабларини куриб чиқиш муддатлари ва тартиби тугрисидаги эълонни чоп эттиради. Бу муддат жамият тугатилиши ҳақидаги эълон чиққан кундан бошлаб, икки ойдан кам булиши мумкин эмас.

7.4. Жамиятни тугатиш процедуралари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида қузда тутилган тартибда амалга оширилади.


7.5. Кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулк ва маблағлар жамият таъсисчиларга уларнинг қўшган улушларига мутаносиб равишда тегишли бўлади.

7.6. Юридик шахсларни руйхатта олиш ягона давлат реестрига жамият тугатилиши ҳақидаги қайдлар киритилганидан сўнг жамиятни тугатиш тамомланган, жамият фаолияти эса тугатган ҳисобланади.

«EVEREST ASBEST»

масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари:

Сағдиқов Қаримшон



(имзо)

Ушарзоқов Фашиод




(имзо)

Сағдиқова Минавар



(имзо)

Низом б (олти) варақдан иборат



(Signature)

VARAQ

TIKILDI VA RAQAMLANDI

IMZO:

(Signature)

